24

O`zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo`rg`on shahar
H O K I M I

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Каттақўрғон шаҳар
ҲОКИМИ

O`zbekiston Respublikasi Samarqand viloyati Kattaqo`rg`on shahri

«29» март 2013 йил №221-К

Q A R O R

Очиқ типдаги сунъий қопламали мини-футбол майдони ташкил қилиш учун ер майдони танлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги № 146-сонли "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эхтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2011 йил 28 май № 121-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда ер участкалари бериш тартибини янада такомиллаштириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган хуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, Республика аҳоли пунктларини архитектура қиёфасини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шахарсозлик кодексларига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида Каттақўрғон шаҳар Пахтакор кўчаси 37 уйда яшовчи фуқаро Холмуродов Фахритдинни шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини, Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 29 июлдаги 44-Ф сонли "Каттақўрғон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш тўғрисида"ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 29 июлдаги 44-Ф сонли "Каттақўрғон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш тўғрисида"ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Каттақўрғон шаҳар Пахтакор кўчаси 37 уйда яшовчи фуқаро Холмуродов Фахритдинга Каттақўрғон шаҳар А.Темур кўчаси атрофидан фойдаланилмай турган майдони 1250,0 кв.метр ер майдонида замонавий талабларга жавоб берадиган лойиҳа асосида очиқ типдаги сунъий қопламали мини-футбол майдони ташкил қилиш ва атрофида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун танланди.

3. Каттақўрғон шаҳар Пахтакор кўчаси 37 уйда яшовчи фуқаро Холмуродов Фахритдинга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета хужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида ер участкасини ажратиш хужжатларини расмийлаштириш юкланади. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос хисобланади.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Рахмонов ҳамда Архитектура ва қурилиш бўлими зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими: **С.З.Раззоқов.**